

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ШОМУРОТОВ ШАВКАТ АБДУГАНИЕВИЧ

**ПРОЛОНГАЦИЯЛАНГАН ТАЪСИРЛИ СИЛГА ҚАРШИ
ПРЕПАРАТЛАРНИ МОЛЕКУЛЯР КОНСТРУКЦИЯЛАШ ВА
УЛАРНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of dissertation abstract of doctor (DSc) of science

Шомуротов Шавкат Абдуганиевич

Пролонгацияланган таъсирли силга қарши препаратларни молекуляр
конструкциялаш ва уларнинг биологик хусусиятларини
ўрганиш..... 3

Шомуротов Шавкат Абдуганиевич

Молекулярное конструирование противотуберкулезных препаратов
продолжительного действия и исследование их биологических
свойств..... 29

Shomurotov Shavkat Abduganiyevich

Molecular construction of antitubercular preparations of the prolonged action
and research of their biological properties 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 58

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ШОМУРОТОВ ШАВКАТ АБДУГАНИЕВИЧ

**ПРОЛОНГАЦИЯЛАНГАН ТАЪСИРЛИ СИЛГА ҚАРШИ
ПРЕПАРАТЛАРНИ МОЛЕКУЛЯР КОНСТРУКЦИЯЛАШ ВА
УЛАРНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/K17 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.biochem.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Тураев Аббасхан Сабирханович кимё фанлари доктори, академик
Расмий оппонентлар:	Мавлянов Саидмухтар Максудович кимё фанлари доктори, профессор Рахмонбердиев Гаппар Рахмонбердиевич кимё фанлари доктори, профессор Сыров Владимир Николаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий тадқиқот институти

Диссертация химояси Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63).

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: asrarov54@mail.ru).

Диссертация автореферати 2018 йил _____ куни тарқатилди.
(2018 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.И.Салихов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик

М.И.Асраров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д., профессор

А.А.Ахунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда турли касалликларни даволашда организмга ножўя таъсири кам бўлган, пролонгацияланган юқори самарали таъсирга эга дори воситаларини яратиш долзарб вазифалардан биридир. Ҳозирда кимё, биология, фармацевтика соҳаларининг ривожланиши натижасида турли юқумли касалликлар терапиясида фойдаланувчи дори препаратларнинг янги авлодини - танлаб таъсир этувчи, организмга ножўя таъсири кам бўлган ҳамда касаллик кўзгатувчиларига нисбатан узоқ ва самарали таъсир кўрсатувчи воситаларни яратиш имконини бермоқда.

Бугунги кунда, жаҳонда турли касалликлар терапиясида қўлланилувчи янги самарали дори воситаларини яратишда молекуляр конструкциялаш усулларидан фойдаланиш - дори воситаларининг терапевтик хоссаларини яхшилаш, уларнинг организмга ножўя таъсирини камайтириш, таъсир вақтини узайтириш ҳамда мазкур дори воситаларни ишлаб чиқариш учун сарфланаётган ҳаражатларнинг камайтиришга олиб келмоқда. Шу сабабли молекуляр конструкциялаш усуллари орқали макромолекуляр терапевтик системалар яратишда: табиий полимерлар (полисахаридлар, полипептидлар ва бошқалар) асосида бошқариладиган молекуляр параметр ва физик-кимёвий хусусиятли полимер ташувчилар олиш; дори воситаларини полимер ташувчилар билан иммобилизация қилиш усулларини ишлаб чиқиш; макромолекуляр дори системаларининг таъсир механизмларини аниқлаш ва уларни ишлаб чиқаришнинг саноат технологияларини яратиш каби йўналишларда изланишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда республикамизда аҳолини турли инфекциян касалликлардан ҳимоя қилиш, уларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида, аниқ натижаларга, жумладан, янгича ёндошувга асосланган, юқори самарадор дори воситалари ишлаб чиқаришнинг илмий асосларини яратишга эришилди. Такидлаш жоизки, республикамизда антибактериал дори воситаларини ишлаб чиқариш етарли даражада эмас. Шунинг учун импорт ўрнини босувчи, ножўя таъсири кам ва давомли таъсир этувчи антибактериал дори воситаларини яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш муҳим ҳисоблангани. Бу борадаги ишларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-йўналишида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш» юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу ўринда маҳаллий хом ашёлар асосида жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган антибактериал дори воситаларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 июлдаги ПҚ-416-сон «Маҳаллий дори-дармон ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарори,

2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹.

Молекуляр конструкциялаш орқали янги макромолекуляр терапевтик системалар ва дори воситаларини яратишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Laboratories of the Medical Researches Council of Ireland (Ирландия), University of Queensland Brisbane (Австралия), Россия Фанлар академияси ҳузуридаги Цитология ва генетика институтида, Полимерлар кимёси ва физикаси институти (Ўзбекистон), Тошкент кимё-технология институти (Ўзбекистон) ва Биоорганик кимё институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Молекуляр конструкциялаш орқали макромолекуляр терапевтик системалар ва янги дори воситаларини яратишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижалар олинган, жумладан: оксипропилсахаридлар асосида, таркибида изониазид тутувчи ҳосилалари синтез қилинган ва уларнинг силга қарши давомий таъсир этиши аниқланган (Laboratories of the Medical Researches Council of Ireland, Ирландия); изониазид ва парааминосалицил кислотасини алгинат ва хитозан билан иммобилизация қилиш натижасида, препаратларнинг ножўя таъсирини камайиши ва организмдаги таъсир вақтининг узайиши исботланган (University of Queensland Brisbane, Австралия); диальдегид декстран ва изониазид молекуляр конструкциялаш орқали ҳужайра ичка ва ташқи инфекцияларига йўналтирилган таъсир кўрсатувчи «Изодекс» препарати олинган (Институт цитологии и генетики СО РФА, Россия); изониазид препаратини диальдегид карбоксиметилцеллюлоза макромолекуласига кимёвий бириктириш орқали унинг организмга ножўя таъсирини камайиши мумкинлиги аниқланган (Полимерлар кимёси ва физикаси институти, Ўзбекистон); полигалактурон кислотаси макромолекуласига изониазид ва этамбутол препаратларини турли кимёвий боғлар воситасида иммобилизация қилиш натижасида сил микобактерияларининг сезгир ва чидамли штамmlарига нисбатан самарали таъсир кўрсатувчи препарат олинган (Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон).

¹ Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <http://lektrava.ru/encyclopedia/zaytsegub-opyanayayushchiy>, <http://floruz.uz/content/lagochilus-pubescens-vved>, <http://www.niscair.res.in/>, Science Communication/Abstracting Journals ва бошқа манбаалар асосида ишлаб чиқилган.

Дунёда пролонгацияланган таъсирли макромолекуляр терапевтик системалар яратиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: юқумли касалликлар терапиясида қўлланилувчи макромолекуляр табиатли дори воситалар яратиш; турли онкологик касалликларга нисбатан йўналтирилган таъсирли препаратлар олиш; тиббиёт амалиётида қўлланилувчи дори воситаларини модификациялаш орқали терапевтик хусусиятларини яхшилаш; биологик фаол моддаларни ажратиш, таъсир механизмларини аниқлаш ва улар асосида янги дори воситаларини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижда, ҳозирги кунда, макромолекуляр терапевтик системалар яратиш органик кимё, биоорганик кимё, полимерлар кимёси, тиббиёт ва фармацевтиканинг муҳим йўналишларидан биридир. Турли касалликлар терапиясида макромолекуляр системалардан фойдаланиш, уларнинг организм билан ўзаро таъсири ва фармакологик фаоллиги механизмларини аниқлаш билан боғлиқ муҳим муаммоларни ҳал қилишни талаб қилади. Ушбу йўналишда Н.А. Платэ, Е.Ф. Панарин, Б.Н. Лискорин, Й. Чен, М. Фукуда, Б.А.Жубанов, Б.А. Бектуровлар ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Макромолекуляр терапевтик системалар организмга нисбатан ножўя таъсирининг камлиги, терапевтик таъсир вақтининг давомийлиги ва йўналганлиги, танлаб таъсир этиши каби ижобий хусусиятларининг мавжуд бўлишига қарамай, ҳозирги кунда тиббиёт амалиётида бундай макромолекуляр системаларнинг сони санокли. «Полиоксидоний», «Даванат», «Кагоцел» ва бошқалар дори воситалари шулар жумласидандир. Шунинг учун ҳозирги кунда, жаҳонда макромолекуляр терапевтик системалар олиш ва уларнинг таъсир механизмларини аниқлашга бағишланган систематик тадқиқотлар жадал олиб борилмоқда. Айниқса, сил касаллигига қарши макромолекуляр терапевтик системалар олиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки сил касаллиги терапиясида қўлланилувчи дори воситаларининг аксарияти организмдаги таъсир вақти қисқалиги ва ножўя таъсири юқорилиги боис, муолажа вақтида токсикологик ҳолатларга олиб келади.

Ўзбекистонда полисахаридларни тадқиқ этиш ва улар асосида макромолекуляр терапевтик системалар олиш бўйича тадқиқотлар академик Х.Усмонов, проф. Ш.Наджимутдинов, академик А.С.Тураев, проф. Г.Раҳманбердиев ва проф. А.А.Саримсоқовлар раҳбарликлари остида амалга оширилган. Целлюлоза ҳосилалари (целлюлоза сульфати, карбоксиметилцеллюлоза, ацетилцеллюлоза ва бошқалар) асосида макромолекуляр системалар олиш бўйича Биоорганик кимё институти, Полимерлар кимёси ва физикаси институти, Тошкент кимё-технология институтида изланишлар олиб борилмоқда. Биоорганик кимё институтида қатор йиллар мобайнида полисахаридларни силга қарши препаратлар билан кимёвий модификациялаш орқали организмга ножўя таъсири кам бўлган, сил микобактерияларининг сезгир ва чидамли (резистент) штаммларига нисбатан

самарали узоқ вақт таъсир кўрсатувчи комбинацияланган макромолекуляр терапевтик системалар олиш борасида изланишлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №92-04 «Макромолекуляр системаларда макромолекула-доривор модда орасидаги кимёвий боғ табиатининг фармакологик фаолликка таъсири» (2004-2005), №А11-Т094 «Сил касаллигига қарши комбинацияланган таъсирли Биомайрин препарати» (2012-2014) ва ФА-А11-Т059 «Сил касаллигига қарши Биомайрин препаратининг капсула кўринишидаги дори шаклини яратиш ва клиник синовларга рухсат олиш» (2015-2017) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади карбоксиметилцеллюлоза ва полигалактурон кислотасини изониазид, этамбутол ва рифампицин препаратлари билан молекуляр конструкциялаш орқали силга қарши пролонгацияланган самарали таъсир этувчи препаратлар яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

карбоксиметилцеллюлоза ва полигалактурон кислотасини мақсадли модификацияси, уларнинг молекуляр параметрларини бошқаришнинг кимёвий усулларини ишлаб чиқиш, олдиндан белгиланган физик-кимёвий хосса ва молекуляр параметрли (молекуляр масса, молекуляр-массавий тақсимот, функционал гуруҳлар бўйича алмашилиш даражаси) реакцион фаол (диальдегид, карбоксил) ҳосилаларини олиш;

карбоксиметилцеллюлоза ва полигалактурон кислотасининг силга қарши препаратлар билан модификациялаш орқали макромолекуляр системалар синтез қилиш реакцияси тадқиқоти ҳамда уларнинг структуравий ва молекуляр тавсифларини аниқлаш;

макромолекуляр силга қарши системаларининг фармакологик хусусиятларини *in vitro* ва *in vivo* шароитларда тадқиқ этиш ва уларнинг силга қарши фаоллигининг молекуляр параметрларга боғлиқлигини аниқлаш, силга қарши препаратлар яратиш мақсадида улар орасидан энг самарали макромолекуляр системаларни танлаб олиш;

силга қарши макромолекуляр табиатли препаратларнинг дори шаклини олиш технологиясини яратиш, уларнинг субстанцияси ва дори шаклини стандартлаш усулларини ишлаб чиқиш;

силга қарши комбинацияланган препарат субстанцияси ва дори шакли меъёрий хужжатларини ишлаб чиқиш, «Биомайрин» препаратининг тажриба партиясини олиш, тайёрланган меъёрий хужжатларини клиник синовлар учун рухсат олиш мақсадида ЎзР ССВ «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникаси экспертизаси ва стандартлаш Давлат маркази» Давлат унитар корхонасига топшириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида полимерланиш даражаси 530 ва 470, алмашилиш даражаси 85 ± 3 ва 70 ± 3 бўлган карбоксиметилцеллюлоза, цитрус пектинидан ($-\text{OCH}_3$ гуруҳи миқдори 65%) олинган полигалактурон

кислотаси, силга қарши препаратлар: изониазид, этамбутол ва рифампицин, шунингдек, туберкулез микобактерияси штамлари: *H37Rv*, «*Humanis*» (одам штамми) ва «*Bovis*» (буқа штамми) олинган.

Тадқиқотнинг предмети карбоксиметилцеллюлоза ва полигалактурон кислотасини силга қарши препаратлар - изониазид, этамбутол ва рифампицин билан кимёвий модификациялаш орқали силга қарши фаолликка эга бўлган макромолекуляр системалар синтези хусусиятларини тадқиқ этиш, уларнинг структуравий ва молекуляр тавсифларини аниқлаш, физик-кимёвий ва биологик хусусиятлари - силга қарши фаоллиги, токсикологик ҳамда фармакокинетик хусусиятларини тадқиқ этиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида органик синтез, физик-кимёвий (УФ-, ИК-, ЯМР-спектроскопия, гель ўтказувчи хроматография, вискозиметрия, элемент таҳлил) ва фармако-токсикологик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

белгиланган молекуляр параметр ва физик-кимёвий хусусиятларга эга карбоксиметилцеллюлоза ва полигалактурон кислотаси ҳосилаларини олиш усуллари ишлаб чиқилган;

карбоксиметилцеллюлоза ва полигалактурон кислотасини силга қарши препаратлар билан модификациялаш имконини берувчи реакция фаол диальдегид ҳосилалари олинган;

карбоксиметилцеллюлоза ва полигалактурон кислотаси асосида макромолекула занжири бўйлаб изониазид, этамбутол ва рифампицин препаратлари тутувчи силга қарши макромолекуляр доривор системалар синтез қилинган;

макромолекуляр системаларнинг силга қарши фаоллигини уларнинг молекуляр кўрсаткичларига (полимер-ташувчининг табиати ва молекуляр массаси, таъсир этувчи моддалар миқдори ва бошқа) боғлиқлиги аниқланган;

макромолекула занжири бўйлаб силга қарши бир неча препаратлар тутувчи, организмга ножўя таъсири кам ва узоқ вақт самарали таъсир этувчи дори воситаларини яратиш мумкинлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижалари асосида полисахарид ҳосилаларини силга қарши препаратлар билан кимёвий модификациялаш орқали организмга нисбатан ножўя таъсири кам ва силга қарши узоқ вақт самарали таъсир кўрсатувчи макромолекуляр системалар олиш мумкинлиги аниқланган;

сил микобактерияларига нисбатан фаол таъсир кўрсатувчи, макромолекула занжири бўйлаб силга қарши икки препарат - изониазид ва этамбутол тутувчи макромолекуляр системалар «Биофтизоэтам-КМЦ» ва «Биофтизоэтам-ПГК» олинган. Уларнинг субстанцияларини олиш лаборатория регламенти ва вақтинчалик фармакопоя мақоласи лойиҳалари ишлаб чиқилган;

полигалактурон кислотаси ва силга қарши препаратлар (изониазид, этамбутол ва рифампицин) асосида сил микобактерияларининг сезгир ва резистент штамmlарига нисбатан фаол таъсир этувчи макромолекуляр табиатли «Биомайрин» препарати олинган. Препаратнинг субстанциясини олиш лаборатория регламенти ҳамда субстанция ва «Биомайрин 600 мг капсула» дори шакли учун вақтинчалик фармакопеа мақоласи лойиҳалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг замонавий физик-кимёвий тадқиқот усулларини қўллаш орқали олинганлиги билан тасдиқланади. Олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш Стъудент критерияси ёрдамида, ўртача қийматнинг ишончлилик интервали оралиқ қийматларини ҳисоблаган ҳолда олиб борилган. Олинган натижаларнинг исботи мутахассисларнинг эксперт баҳолари, тадқиқот натижаларининг амалга оширилиши, уларнинг республика ва халқаро конференциялардаги муҳокамаси бўлиб, натижаларнинг юқори импакт факторли илмий нашрларда чоп этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, белгиланган молекуляр параметрларга эга карбоксиметилцеллюлоза ва полигалактурон кислота, уларнинг реакцион фаол даиальдегид гуруҳлар тутувчи ҳосилалари синтези, шунингдек, молекуляр конструкциялаш усули ёрдамида модификацияланган карбоксиметилцеллюлоза ва полигалактурон кислота макромолекулаларига силга қарши препаратларни кимёвий бириктириш қонуниятлари илмий асосланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, модификацияланган карбоксиметилцеллюлоза ва полигалактурон кислота макромолекулаларига силга қарши препаратларни (изониазид, этамбутол ва рифампицин) кимёвий модификациялаш орқали организмга ножўя таъсири кам ва силга қарши узоқ вақт таъсир кўрсатувчи «Биофтизоэтам-КМЦ», «Биофтизоэтам-ПГК» ва «Биомайрин» препаратлари олинган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Силга қарши узоқ вақт таъсир кўрсатувчи препаратларни молекуляр конструкциялаш, уларнинг тузилиши ва фаоллигини аниқлаш, улар асосида янги препаратлар яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

макромолекула занжирида силга қарши препаратлар тутувчи янги самарали доривор воситаси фармацевтика саноати корхоналарида ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзфармсаноат» ДАКнинг 2017 йил 7 ноябрдаги МД-06/3100-1-сон маълумотномаси). Натижада давомий таъсир қилувчи, ножўя таъсири кам «Биомайрин» препаратини ишлаб чиқариш ва сил касаллигини даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

сил касалига қарши Биомайрин дори воситасини клиник синовларини ўтказиш учун «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси Давлат маркази» ДУКнинг ижобий хулоса олинган («Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника

экспертизаси ва стандартизацияси Давлат маркази» ДУКнинг 2017 йил 27 ноябрдаги 29/03-1655-сон маълумотномаси; 3 та серияда №010317, №020317 ва №030317). Натижада силга қарши пролонгацияланган таъсирли, ножўя таъсири кам бўлган янги препарат яратиш имконини берган;

ишлаб чиқилган молекуляр конструкциялаш усулларида янги пролонгацияланган дори воситалари олишда фойдаланилган (Коджаэли университетининг (Туркия) 2017 йил 22 январдаги маълумотномаси). Натижада таъсир вақти узайтирилган ва ножўя таъсири кам бўлган антибактерил макромолекуляр системалар олиш имконини берган;

полисахаридларни модификациялаш ва олинган ҳосилаларининг молекуляр кўрсаткичларини аниқлаш натижаларидан 10 дан ортиқ хорижий етакчи илмий журналларда янги модификацияланган бирикмаларни олиш ҳамда уларнинг молекуляр кўрсаткичлари ва структурасини аниқлашда фойдаланилган (Journal of Catalysis, 2015, V. 330. ResearchGate, IF-7,27; Protection of Metals and Physical Chemistry of Surfaces, 2013, V 49, Issue 7, ResearchGate, IF-0,66; Polymer Journal, 2011, Vol. 33 Issue 1, ResearchGate, IF-1,38; Russian Journal of General Chemistry 2015. V. 85, ResearchGate, IF-0.553; ва бошқалар). Натижалар модификацияланган полисахаридларнинг макромолекуляр параметрларини аниқлаш имконини берган;

молекуляр конструкциялаш усуллари – «Биофтизоэтам» ва «Биомайрин» препаратларидан А11-Т059 рақамли «Маҳалий хомашёлар асосида олинган янги ўсимлик ва синтетик иммуномодуляторлар полифункционал хоссаларининг тадқиқоти» мавзусидаги лойиҳада синтетик ва ўсимлик препаратларининг экспериментал ҳайвонлар иммунологик кўрсаткичларига таъсирини тадқиқ этишда фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлиги 2017 йил 24 ноябрдаги ФТК-0313/864-сон маълумотномаси). Натижалар синтетик ва ўсимликлар асосида олинган қатор препаратларнинг экспериментал ҳайвонлар иммун системасига таъсирини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация иши тадқиқот натижалари 4 та ҳалқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 22 та мақола, жумладан, 19 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган, шунингдек 2 та патент учун талабнома берилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 175 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, мақсад, вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган. Шу билан биргаликда тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш рўйхати келтирилган, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Пролонгацияланган таъсирли дори препаратларини молекуляр конструкциялаш»** деб номланган биринчи бобида макромолекуляр терапевтик системаларни молекуляр конструкциялаш борасида олиб борилган тадқиқотлар, доривор препаратларни ташувчиларига қўйилган асосий талаблар, юқори молекуляр бирикмаларнинг фармакологик хусусиятлари билан молекуляр параметрларининг ўзаро боғлиқлиги ҳамда сил касаллиги терапиясида қўлланилувчи макромолекуляр системалар яратишга бағишланган адабиёт маълумотлари таҳлили келтирилди. Молекуляр конструкциялаш усулидан фойдаланиб, пролонгацияланган таъсирли макромолекуляр системаларни олиш муаммоларининг ечимлари га оид маълумотлар таҳлил қилиб чиқилди. Олиниш усуллари ва уларнинг хоссалари таҳлил қилинди. Бу тадқиқот объектларини танлаш, мақсади ва вазифаларини белгилаш имконини берган.

Диссертациянинг **«Макромолекуляр системалар синтези ва уларни тадқиқ қилиш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот учун зарур материаллар ва тадқиқот усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган. Реакция маҳсулотлари синтези ва таҳлили усуллари батафсил баён қилинган. Олинган маълумотларнинг статистик таҳлили «Microsoft Excel» компьютер дастури ёрдамида, умумий қабул қилинган статистик критерияларни қўллаган ҳолда амалга оширилган.

Диссертациянинг **«Макромолекуляр системалар синтези ҳамда уларнинг тузилиш ва макромолекуляр тавсифларини аниқлаш»** деб номланган учинчи бобида, карбоксиметилцеллюлоза (КМЦ) ва полигалактурон кислотасининг (ПГК) модификацияланган ҳосилалари ва уларнинг изониазид (ГИНК), этамбутол (ЭБ) ва рифампицин (РЦ) билан кимёвий модификациялашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш натижалари келтирилган. Шунингдек, макромолекуляр системаларнинг тузилиши ва молекуляр тавсифларини аниқлаш натижалари келтирилган.

Макромолекуляр доривор системалар яратишда полимер-ташувчининг молекуляр кўрсаткичларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади, чунки макромолекуланинг фармакологик хусусиятлари ва физик-кимёвий хоссалари унинг молекуляр параметрларига (ММ, ММТ, АД ва бош.) ва полимер-ташувчининг эритмадаги конформацион хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Диссертация ишида полимер ташувчи сифатида макромолекула занжари табиати билан фарқланувчи КМЦ ва ПГК ўрганилган. КМЦ


макромолекуласи ўзаро 1,4- β -глюкозид боғлар билан боғланган ангидроглюкопираноза қолдиқларидан иборат бўлиб, олтинчи ва иккинчи углерод атомларида карбоксиметил гуруҳлари тутади. ПГК макромолекуласи эса ўзаро 1,4- α -глюкозид боғлари билан боғланган D-галактоза қолдиқларидан ташкил топган бўлиб, фақат олтинчи углерод атомларида карбоксил гуруҳлари тутади. Улар турлича конформацияга эга бўлиб, эритмада турлича фармакологик таъсирга эга.

КМЦ целлюлозанинг оддий эфири бўлиб, унинг хусусиятлари кўп жihatдан молекуляр кўрсаткичларга (ММ, АД, ММТ ва бошқалар) боғлиқ бўлади. КМЦ кислота шаклда (Н-КМЦ) сувда эримайди, туз шаклида (Na-КМЦ) эса эрийди.

Диссертация ишида саноатда ишлаб чиқариладиган ПД 530 ва АД=85 \pm 3 ва ПД 450 ва АД=70 \pm 3 бўлган намуналаридан фойдаланилди. Na-КМЦ намуналари АД ва ММТ кўрсаткичи бўйича бир хил эмас.

Белгиланган молекуляр кўрсаткичли (ММ, АД, ММТ ва бошқалар) намуналар олиш мақсадида гидролитик парчаланish реакцияси ўрганилди. Na-КМЦнинг гидролитик парчаланish реакцияси гетероген шароитда, этанол мухитида, хлорид кислота иштирокида олиб борилди. Гидролитик парчаланган Na-КМЦ намуналарининг молекуляр массалари вискозиметрия ва гел ўтказувчан хроматография усуллари ёрдамида ўрганилди.

Na-КМЦ гидролитик парчаланish реакциясининг реакция давомийлиги ва реагентлар нисбатига (КМЦ:НСI) боғлиқлигини ўрганиш натижалари 1- расмда келтирилган.



1-расм. Реагентларнинг турли нисбатларида (Na-КМЦ:НСI): 1) 1:1,0; 2) 1:2,5; 3) 1:5; 4) 1:10 Na-КМЦ гидролитик парчаланish реакцияси кинетикаси ($t=82\pm 2^{\circ}\text{C}$)

1-расмдан кўришиб турибдики, бошланғич 20 минут мобайнида гидролиз юқори тезликда содир бўлиб, бу Na-КМЦнинг аморф қисмларининг парчаланishi билан боғлиқ. Кейинчалик деструкция тезлиги камаяди. Кислота концентрациясининг ортиши реакция тезлигини сезиларли даражада ортишига олиб келади. Шунни такидлаш лозимки, Na-КМЦнинг гидролитик

парчаланishi вақтида карбоксиметил гуруҳлар бўйича алмашиниш даражаси ўзгармайди, яъни HCl оддий эфир боғига таъсир этмайди.

Тадқиқотлар натижасида ММ $92,0 \pm 1,5$ дан $12,0 \pm 0,5$ кДагача ва ММТ $1,138 \pm 0,15$ дан $1,025 \pm 0,23$ гача бўлган КМЦ нимуналари олинди. Бу натижалар КМЦ гидролитик парчалаш орқали куйи молекуляр ва қисқа ММТ эга намуналар олиш мумкинлигини кўрсатади.


ПГК макромолекуляр асосини олиш мақсадида ММ $160,0 \pm 1,5$ кДа бўлган ва 65 моль % метоксил гуруҳлари тутувчи цитрус пектинни ишқорий муҳитда деметоксилланди. Бунда пектин молекуласи бир вақтнинг ўзида икки хил ўзгаришга учрайди:

а) метоксил гуруҳларнинг деэтерификацияси;

б) D-галактурон кислоталар орасидаги 1,4- α -гликозид боғларнинг узилиши ҳисобига макромолекуларнинг деструкцияси.

Деструкция ва деэтерификация иккита мустақил жараён бўлиб, муҳит рН қиматининг камайishi деэтерификация жараёнини, температуранинг ортиши деструкция жараёнини тезлаштиради. Кислотали гидролиз натижасида олинган ПГК макромолекула занжарлари орасидаги водород боғлари микдорининг ортиши ҳисобига сувда эримайди.

Пектинни деметоксиллаш жараёни ишқорий муҳитда олиб борилди. Ишқорий гидролиз вақтида пектиннинг деструкция ва деэтерификация кинетикаси ўрганилди (2-расм).



2-расм. Ишқорий гидролиз вақтида пектиннинг деструкция (а) ва деэтерификация (б) кинетикаси (пектин:NaOH=1:1)


Юқоридаги 2-рамдан кўриниб турибдики, гидролиз жараёнининг биринчи соатида деструкция тезлиги (а) юқори, кейинги 8 соат мабийнида кам ўзгаради. Шунингдек, пектиннинг деэтерификацияси жараёнининг дастлабки 20 минут мобайнида эфирланиш даражаси (б) 58 дан 25-27% гача камаяди, кейин эса бу кўрсаткич қисман ўзгаради.

Петинни деметоксиллаш реакцияси натижасида ММ $72,0 \pm 1,0$ дан $15,0 \pm 0,5$ кДа гача ва ММТ $1,173 \pm 0,13$ дан $1,060 \pm 0,20$ гача бўлган ПГК намуналари олинди. Гидролитик парчалиш натижасида олинган Na-КМЦ ва


Na-ПГК намуналари дастлабки полимерлардан фаркли ўлароқ, сувда яхши эрийди ва чин эритмалар ҳосил қилади.

Диссертация ишининг асосий вазифаларидан бири Na-КМЦ ва Na-ПГК реакция фаол диальдегид ҳосилаларини олиш эди. Полисахаридлар молекуласига альдегид гуруҳлар киритиш учун перйодат оксидланиш реакциясидан (Малапрад реакцияси) кенг фойдаланилади. Перйодат оксидланиш натижасида пираноза халқадаги C₂-C₃ углерод атомлари орасидаги боғнинг узилиши ҳисобига диальдегид гуруҳлар ҳосил бўлади. Na-КМЦ ва Na-ПГК перйодат оксидланиш реакциясини қуйидаги схема кўринишида ифодалаш мумкин:


А. Na-КМЦнинг перйодат оксидланиши:



Б. Na-ПГКнинг перйодат оксидланиши:



Na-КМЦ ва Na-ПГК перйодат оксидланиш реакцияси гомоген шароитда ацетат буфер (pH=4,5) эритмасида NaJO₄ билан 25°C температурада олиб борилди. Na-КМЦ и Na-ПГКнинг оксидланиш даражасининг перйодат оксидланиш реакцияси давомийлигига боғлиқлиги ўрганилди (3-расм а ва б).



3-расм. Na-КМЦ (а) ва Na-ПГК (б) оксидланиш даражасининг перйодат оксидланиш реакцияси давомийлигига боғлиқлиги

Юқоридаги 3-расмдан (а) кўриниб турибдики, Na-КМЦ оксидланиш даражаси 3 соатгача бир меъёрда ортиб боради, сўнгра эса секин аста камаяди (альдегид гуруҳлар микдори). Реакциянинг бундай бориши, асосий реакция билан бирга ёнаки реакция – альдегид гуруҳларнинг карбоксил гуруҳларгача оксидланиши билан боғлиқ.

Na-ПГКда (3-расм, б) Na-КМЦ каби 3 соатгача альдегид гуруҳларнинг микдорини ортиб бориши, сўнгра эса камайиши кузатилади. Айтиб ўтиш керакки, бу вақт ичида Na-ПГК (ДАПГК) таркибидаги альдегид гуруҳлар микдори Na-КМЦ (ДАКМЦ) таркибидаги альдегид гуруҳлар микдоридан кўпроқ. Бу ҳолат Na-ПГК реакция қобилятининг юқорилиги, молекуласининг эгилувчанлиги ҳамда Na-КМЦ молекуласидаги айрим элементар звеноларда иккиламчи гидроксил гуруҳларнинг карбоксиметил гуруҳлари ҳисобига химояланганлиги билан боғлиқ. Дастлабки Na-КМЦ ва Na-ПГКнинг молекуляр масса ўзгариши намуналарнинг оксидланиш даражасига, яъни альдегид гуруҳлар микдорига таъсир этмаслиги аниқланди.

Na-КМЦ ва Na-ПГК перйодат оксидланиш реакцияси натижасида уларнинг макромолекуласи деструкцияга учраши ва бу асосан оксидланган звеноларда содир бўлиб, деструкция тезлиги оксидланиш тезлигидан кам бўлиши аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

ДАКМЦ ва ДАПГК молекуляр параметрларининг оксидланиш даражасига боғлиқлиги


Оксидланиш даражаси ($\gamma_{ок}$), моль %	Mn, кДа	Молекуляр масса, кДа			Mw/Mn
		Mn	Mw	Mz	
			ДАКМЦ		
0	75,1	7,325e±0,4	7,384e±0,4	1,417e±0,5	1,044±0,09
10,2	58,5	6,297e±0,4	6,329e±0,4	7,359e±0,4	1,025±0,10
24,7	58,5	4,297e±0,4	5,329e±0,4	7,359e±0,4	1,025±0,10
36,6	46,6	4,641e±0,4	4,651e±0,4	5,527e±0,4	1,086±0,07
45,3	34,3	3,296e±0,4	3,451e±0,4	4,407e±0,4	1,056±0,07
		ДАПГК			
0	38,8	3,010e±0,4	3,855e±0,4	5,985e±0,4	1,505±0,13
15,5	32,5	3,446e±0,4	3,233e±0,4	3,897e±0,4	1,060±0,20
26,9	24,4	2,208e±0,4	2,428e±0,4	5,066e±0,4	2,186±0,44
38,7	19,7	2,012e±0,4	2,037e±0,4	4,809e±0,4	2,006±0,78
50,1	16,6	1,870e±0,4	1,712e±0,4	4,062e±0,4	1,161±0,25

1-жадвалдан кўриниб турибдики, Na-КМЦ ва Na-ПГК перйодат оксидланиши натижасида уларнинг молекуляр параметрлари сезиларли даражада ўзгаришга учрайди, лекин молекуляр параметрлар ва оксидланиш даражаси орасида узвий боғлиқлик кузатилмайди.

Na-КМЦ перйодат оксидланиш реакциясида карбоксиметилланган звеноларга нисбатан алмашинмаган звеноларнинг оксидланиш тезлиги юқори бўлади. Бу карбоксил гуруҳларнинг фаолликни сўндирувчи таъсири билан боғлиқ. Кам алмашинган Na-КМЦ намуналарда оксидланиши тезлиги юқори ва деструкция тезлиги эса аксинча кам бўлади.

Тадқиқотлар нитажасида, таркибида 10 - 45 моль % альдегид гуруҳлари тутувчи ва $75 \pm 1,0$, $58 \pm 0,5$, $34 \pm 0,5$, $26 \pm 0,5$ и $11,05$ кДа ММга эга ДАКМЦ намуналари, ҳамда таркибида 15 - 50 моль % альдегид гуруҳлари тутувчи ва $38 \pm 0,5$, $24 \pm 0,5$, $19 \pm 0,5$, $16 \pm 0,5$, $12 \pm 0,5$ кДа ММга эга ДАПГК намуналари олинди. Олинган ДАКМЦ ва ДАПГК ҳосилалари сувда яхши эрийди ва альдегидларга ҳос хоссаларни намоён қилади. Диальдегид ҳосилаларнинг тузулиши ИҚ- ва ЯМР-спектроскопия усуллари ёрдамида ўрганилди ва уларнинг турли тоутомер шакллар - конформацияларда бўлиши аниқланди.

ДАКМЦ ва ДАПГК ГИНК билан нуклеофил ўрин олиш реакцияси ўрганилди. Реакция ДАКМЦ ва ДАПГК альдегид гуруҳлари ва ГИНК бирламчи амин гуруҳи орасида Шифф асосларини ҳосил қилиш билан боради. Реакция механизмини куйидагича схема билан ифодалаш мумкин:



Реакцияни сувли эритмада, ДАКМЦ (ДАПГК):ГИНК ҳар хил нисбатларида, турли муҳит рН ва реакция давомийлигида олиб борилди. Олинган ҳосилаларнинг тузулиши ИҚ, УБ-спектроскопия усуллари ва элемент анализи ёрдамида исботланди.

Реакция маҳсулотининг ИҚ-спектрининг $1720-1740 \text{ см}^{-1}$ соҳаларда $-\text{COO}^-$ гуруҳдаги $\text{C}=\text{O}$ гуруҳларга ҳос, 1570 , 1620 см^{-1} соҳаларида пиридин халақасидаги ва ҳосил бўлган азометин боғлардаги $\text{C}=\text{C}$ ва $\text{C}=\text{N}$ -гуруҳларнинг валент тебранишларига ҳос ютилиш мавжуд.


ДАКМЦ ва ДАПГК ГИНК билан нуклеофил ўрин олиш реакциясига реагентлар нисбатининг таъсири ўрганилган (2-жадвал). Тадқиқотлар реакция муҳитда ГИНК миқдорининг 2,5 молгача ортиши иккала ҳосилада ҳам боғланган ГИНК миқдорининг ортишига, сўнгра эса сезиларли ўзгармаслигини кўрсатди. Бу диальдегид ҳосилалар таркибидаги альдегид гуруҳларнинг тўлиқ реакцияга киришгани билдиради. Тадқиқотлар нуклеофил ўрин олиш реакциясида ДАКМЦ ва ДАПГК фақат битта альдегид гуруҳи иштирок этишини, бунда кимёвий боғланган ГИНК миқдори оксидланган глюкопираноза ҳалқалари сонига тенглигини, яъни макромолекуладаги альдегид гуруҳларнинг умумий миқдорининг 50 % ини ташкил этишини кўрсатди. Адабиёт маълумотларига кўра (Саримсақов А.А., Раҳманбердыев Г.Р.), бу ҳолатда конденсация реакциясига ДАКМЦ ҳалқасидаги альдегид гуруҳларнинг бири киришади, иккинчиси эса глюкопираноза ҳалқасининг тикланиш реакциясида иштирок этади.

ДАКМЦ ва ДАПГК ГИНК билан нуклеофил ўрин олиш реакциясига
реагентлар нисбатининг таъсири

ДАКМЦ (ДАПГК):ГИНК мол нисбати	ДАКМЦ ($\gamma_{ок}=21,0$ мол%)		ДАПГК ($\gamma_{ок}=26,5$ мол%)	
	N,%	Боғланган ГИНК, мол%	N,%	Боғланган ГИНК, мол %
1:0,25	0,53	7,4	0,71	9,8
1:0,5	1,16	15,2	1,31	17,8
1:1,0	1,29	18,1	1,52	21,2
1:1,5	1,41	19,5	1,86	26,2
1:2,5	1,54	20,8	1,98	26,7
1:5,0	1,55	21,0	2,13	26,3

Реакция шароити: $\tau=30$ мин., $t=20^0C$, $pH=5$

Қуйида реакция маҳсулотларининг формулалари келтирилган.





ДАКАЦ ва ДАПГК ГИНК билан ўзаро таъсири реакциясининг оптимал шароити аниқланди. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида илк бор КМЦ асосида таркибида 21 мол% ГИНК тутган ММ $11 \pm 0,5$ кДа бўлган ҳосилалар ва ПГК асосида 30 мол% ГИНК тутган ММ $13 \pm 0,5$ кДа ҳосилалар олинди. Олинган макромолекуляр ҳосилалар сувда яхши эрийди ва чин эритмалар ҳосил қилади.

Комбинацияланган силга қарши препаратлар олиш мақсадида КМЦ-ГИНК, ПГК-ГИНК макромолекулаларига карбоксил гуруҳлари орқали силга қарши ЭБ ва РЦ препаратларини кимёвий бириктириш реакциялари ўрганилди.

ЭБ-d-N,N'-бис[1-(гидроксиметил) пропил] этилендиамин органик асос ҳисобланади. Дигидрохлорид тузи ҳолатида ишлатилади.

d-N,N'-бис[1-(гидроксиметил) пропил] этилендиамин, молекуласида турли функционал гуруҳлар тутади, жумладан, пиперазинил радикали. Бу радикал ҳисобига молекула асослик хоссасини намоён қилади.



Келтирилган структуралардан кўриниб турибдики ЭБ ва РЦ полимер асос (КМЦ, ПГК) ва МСларнинг (КМЦ-ГИНК, ПГК-ГИНК) карбоксил гуруҳлари билан таъсирлашиш эҳтимоллиги юқори. Реакция маҳсулотлар мембрана орқали диализ қилиш орқали тозаланди. ЭБ ва РЦ КМЦ ва ПГКнинг карбоксил гуруҳлари орқали боғланиши вискозиметрия, потенциометрик титрлаш, ИК- ва УФ- спектроскопия усуллари ёрдамида аниқланди.

Реакция маҳсулотларининг ИК спекترینинг 1736 см^{-1} соҳасида карбоксил гуруҳлардаги карбонил боғларнинг валент тебранишига хос ютилиш билан бирга, 1363 см^{-1} соҳада -NH гуруҳнинг деформацион тебранишига хос ютилиш, ҳамда 1420 см^{-1} соҳада C-N гуруҳнинг валент тебранишларига хос ютилиш кузатилди.

3-жадвал

МС таркибидаги боғланган ЭБ миқдорининг реакцияга кришувчи моддалар нисбатига боғлиқлиги

Мол нисбати (карбоксил гуруҳ:ЭБ)	КМЦ (АД -85 мол%)	ПГК (АД -96 мол%)	КМЦ-ГИНК	ПГК -ГИНК
	ЭБ, мол%	ЭБ, мол%	ЭБ, мол %	ЭБ, мол%
1:0,10	6,3	8,1	5,3	6,97
1:0,25	20,9	25,5	20,1	22,2
1:0,50	24,8	30,2	24,3	28,5
1:0,75	30,3	38,9	29,3	32,8
1:1,0	30,6	39,4	29,0	33,1
1:1,5	30,5	39,5	29,1	33,1

Жадвалдан кўриниб турибдики МСлар таркибидаги боғланган ГИНК КМЦ ва ПГК ион алмашиниш реакциясига сезиларли таъсир кўрсатмайди. Бироқ ЭБ билан реакцияси охиригача бормайди ва олинган МСлар таркибидаги ЭБ миқдори КМЦ $30\pm 0,5$ мол%, ПГК $39\pm 0,5$ мол%, КМЦ-ГИНК $30\pm 0,5$ мол%, ПГК-ГИНК $33\pm 0,5$ мол% тенг.

РЦ эритмада беқарор бўлиб, осон оксидланади. Шунинг учун реакция РЦ минимал оксидланишини таъминловчи антиоксидант аскорбин кислотаси

(АСК) иштирокида олиб борилди. Қуйидаги 4-жадвалда, АСК иштирокида ва турли рН қийматларида РЦ миқдорининг ўзгариш келтирилган.

4-жадвал

Турли рНли эритмаларда, АСК иштирокида РЦ миқдорининг ўзгариши

Муҳит рН	РЦ: АСК мол нисбати	РЦнинг боланғич концентрацияси мкг/мл	1 соатдан сўнг боланғич РЦ нисбатан %
2.0	0	384±65,76	57,4±17,1
2.0	1:0,5	701±19,73	31,5±2,8
5.5	0	480±31,82	53,1±6,6
5.5	1:0,5	852±72,50	16,7±8,5
8.0	0	515±84,66	44,9±16,4
8.0	1:0,5	826±74,70	15,4±9,0

РЦ барқарорлигини ўрганиш натижалар асосида, унинг КМЦ ва ПГК билан реакцияси рН 5-6да 1 соат мобайнида АСК иштирокида олиб борилди. РЦ КМЦ, КМЦ-ГИНК, ПГК ва ПГК-ГИНК билан реакция натижалари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Реакцияга киришадиган моддалар мол нисбатининг боғланган РЦ миқдорига таъсири

Полимер:РЦ:АК (мол)	КМЦ	ПГК	КМЦ-ГИНК	ПГК-ГИНК
	РЦ мол%	РЦ мол%	РЦ мол%	РЦ мол%
1,0:0,10:0,05	0,50	0,56	0,38	0,57
1,0:0,25:0,125	1,04	1,12	0,55	0,6
1,0:0,50:0,25	4,7	5,4	0,73	1,42
1,0:0,75:0,375	8,3	9,2	1,78	2,67
1,0:1,0:0,5	10,1	10,4	2,05	2,98

Жадвалдан кўриниб турибдики, реакция муҳитда РЦ миқдорининг ортиши КМЦ ва ПГКга боғланган РЦ миқдорининг ортишига олиб келади ва унинг миқдори 10 мол% ни ташкил этди. КМЦ-ГИНК ва ПГК-ГИНК макромолекулаларига боғлинган РЦ миқдори эса 3 мол% дан ортмайди. Иккинчи ҳолатда боғланган РЦ миқдорининг камлиги таъсирлашувчи моддаларнинг конформацион хусусиятлари ҳисобига юзага келган стерик тўсиқлар билан боғлиқ.

Юқорида баён қилинган натижалар асосида силга қарши комбинацияланган препарат олиш мақсадида силга қарши учта препаратни КМЦ ва ПГК макромолекулаларига кимёвий боғлаш йўли танланди. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги макромолекуляр доривор системалар олинди: «Биофтизоэтам-КМЦ» - модификацияланган КМЦ асосида, таркибида 14±3% ГИНК ва 26±4% ЭБ тутади, 11±0,5 кДа ММ эга; «Биофтизоэтам-ПГК» - ПГК асосида, таркибида 16±3% ГИНК ва 31±4% ЭБ

тутади, $12 \pm 0,5$ кДа ММ эга; «Биомайрин» - ПГК асосида, таркибида $15 \pm 5\%$ ГИНК, $15 \pm 5\%$ ЭБ ва $17 \pm 5\%$ РЦ тутади. Ушбу макромолекуляр доривор системалар субстанцияларини олиниш технологияси яратилди ва лаборатория регламенти лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг «**Макромолекуляр системаларнинг фармакологик тадқиқоти**» деб номланган тўртинчи бобида «Биофтизоэтам-КМЦ», «Биофтизоэтам-ПГК», «Биомайрин» препаратларининг фармако-токсикологик хусусиятларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Клиник олди токсикологик тадқиқотлар натижасида «Биофтизоэтам-КМЦ», «Биофтизоэтам-ПГК» ва «Биомайрин» препаратларининг изониазид, этамбутол ва рифампицин препаратларига нисбатан 5-10 марта заҳарсизлиги ва V гуруҳ зарарсиз моддалар синфига кириши аниқланди. Бундан ташқари, ушбу препаратлар организмда кумуляцияланмаслиги, аллерген ва мутаген хусусиятларининг йўқлиги шунингдек, тажриба ҳайвонлар репродуктив системаларига зарарли таъсир этмаслиги аниқланди.

Сил микобактерияларга нисбатан «Биофтизоэтам-КМЦ», «Биофтизоэтам-ПГК» ҳамда «Биомайрин» препаратларининг фаоллиги *in vitro* шароитда Республика фтизиатрия ва пульмонология ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказининг туберкулез бўйича Миллий Референс лабораториясида², сил микобактерияларининг H37Rv штаммида абсолют концентрациялар усулида ўрганилди.

Тадқиқотлар H37Rv штаммига нисбатан «Биофтизоэтам-КМЦ», «Биофтизоэтам-ПГК» ва «Биомайрин» препаратлари ва назорат препаратлари сифатида қўлланилган изониазид, этамбутол ва рифампицин препаратлари самарали таъсир этишини кўрсатди. Макромолекуляр препаратларда (Биофтизоэтам-КМЦ, Биофтизоэтам-ПГК ва Биомайрин) таъсир этувчи моддалар микдорининг ортиши фаолликнинг ортишига олиб келди. Шунингдек, макромолекулага кимёвий боғланган силга қарши препаратларнинг комбинацияси сил микобактерияларга нисбатан ингибирловчи таъсирнинг ортишига олиб келиши аниқланди.

6-жадвал

Биомайрин, изониазид, этамбутол ва рифампицин препаратларининг сил микробактерия резистент штамmlарига нисбатан фаоллиги

Препаратлар	Препаратлар концентрацияси	11748 (бемор)		11891 (бемор)	
		K_1-10^3	K_2-10^4	K_1-10^3	K_2-10^4
Биомайрин	40,0 мкг	10 КОЕ	отр	3 КОЕ	отр
РЦ	40,0 мкг	3+	3+	3+	3+
ЭБ	40,0 мкг	3+	3+	3+	3+
ГИНК	40,0 мкг	3+	3+	3+	3+

² Муаллиф РФваПИАТМ туберкулез бўйича Миллий Референс лабораториясида ходимларига кўрсатган амалий ёрдам учун миннатдорчилик билдиради.


Биофтизоэтам-КМЦ, Биофтизоэтам-ПГК ва Биомайрин препаратларининг *in vivo* шароитдаги силга қарши фаоллиги оддий денгиз чўчқаларида ва қуёнларда сил микобактерияларининг «Humanis» (одам штамми) ва «Bovis» (буқа штамми) штаммларида ўрганилди³.

Қуйидаги 5-расмда Биофтизоэтам-К, Биофтизоэтам-П ва Биомайрин препаратларининг *in vivo* шароитда сил микобактерияларига қарши фаоллиги кедтирилган. Кўриниб турибдики, бунда Биомайрин препарати энг юқори фаолликни намоён қилади. Биомайрин препарати учун «Bovis» штаммида зарарланиш индекси 0,2% ва «Humanis» штаммида эса 1,03% га тенг. Биофтизоэтам-ПГК препарати учун «Bovis» штамми зарарланиш индекси 1,6% ва штаммида эса 1,9% ва Биофтизоэтам-КМЦ препарати учун «Bovis» штаммида зарарланиш индекси 1,86% ва «Humanis» штаммида 2,03% га тенг.


Биомайрин препаратининг силга қарши фаоллиги Майрин препарати билан таққосланган ҳолда ўрганилди. Майрин - комбинацияланган силга қарши препарат бўлиб, таъсир этувчи моддалари ГИНК (75 мг), РЦ (150 мг) ва ЭБ (300 мг)дан иборат. Тадқиқотлар қуёнларда препаратларни 10 мг/кг дозада киритиш орқали олиб борилди. Препаратларнинг фаоллиги ички органлар зарарланиш индекси бўйича, яъни Р. Войтек усулида (талоқнинг зарарланиши бўйича) баҳоланди (6-расм):

$$ИТ = МТС \cdot 100\% / МТ,$$

бу ерда: ИТ – талоқ индекси, МТС – талоқ масси, МТ – тана масси.



5-расм. Ҳайвонларнинг зарарланиш индекси: 1,2-Биомайрин; 3,4-Биофтизоэтам-ПГК; 5,6-Биофтизоэтам-КМЦ; 7,8-Назорат




6-расм. Ҳайвонларнинг зарарланиш индекси: 1. Майрин; 2. Биомайрин; 3. Назорат

³ Муаллиф Ўзбекистон Ветеринария ИТИ туберкулез лабораторияси мудири в.ф.н. Г.Х.Мамадуллаевга кўрсатган амалий ёрдами учун миннатдорчилик билдиради.

6-расмдан кўриниб турибдики, Биомайрин препаратида таъсир этувчи моддаларга нисбатан ҳисобланганда, Майринга нисбатан икки марта кам концентрацияда сил микобактерияларининг «Humanis» штаммига нисбатан деярли бир хил фаоллик намён этади. Зарарланиш индекси Биомайрин препарати учун 0,8 % ва Майрин препарати учун эса 0,6 % га тенг.

Биомайрин ва Майрин препаратларининг фармакокинетик хусусиятлари ўрганилди⁴. Препаратлар оғиз орқали «Биомайрин» - 15 мг/кг (таъсир этувчи моддалар миқдори Биомайрин массасининг 45% га тенг), «Майрин» - 7,5 мг/кг дозада юборилди.



